



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2022

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Саниова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Раҳбархон Муртазаева ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ.....	6
2. Дилором Бобожонова ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	17
3. Баҳодир Эшов ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛЛАРИ.....	26
4. Зумрад Раҳмонкулова МАҲМУД АМИН АФАНДИ “ИСТАНБУЛДАН ЎРТА ОСИЁГА САЁҲАТ”.....	34
5. Манзура Аминова ИБН ХОЛДУН ИЛМИЙ МЕРОСИНING ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ.....	41
6. Тўлқин Ахмедов ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ РУС-ТУЗЕМ МАКТАБИ: МАЪМУРИЙ ЭҲТИЁЖ ЁКИ МАДАНИЙ ЯҚИНЛАШУВ ЗАРУРИЯТИ?.....	48
7. Мансур Бойсариев ОЗАРБАЙЖОН ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	56
8. Фируза Жуманиязова ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ДАВРИЙ НАШРЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ (1941–1945 йиллар).....	64
9. Муҳаммаджон Исамиддинов АНТИК ДАВР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНД ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.....	70
10. Баҳыт Кошанов, Ҳакимбай Отегенов, Гулчехра Ержанова ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ.....	79
11. Shohruhbek Mamadaliyev TURKISTON SHAHARALARIDA OCHLARGA YORDAM KOMISSIYASI FAOLIYATI TARIXIDAN.....	87
12. Gulnora Maxkamova XX ASR SAMARQAND KASHTALARI: XILLARI, USLUBLARI, ORNAMENT REPERTUARI (SAMARQAND DAVLAT MUZEYI NAMUNALARI MISOLIDA).....	93
13. Уктамжон Мансуров VI – XI АСРЛАР СУҒД ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ.....	100
14. Шоназар Матякубов XVI- XVIII- АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИДАН БИРИ-КУЛОЛЧИЛИК ТУРИ ТАВСИФЛАРИ.....	105

15. Отабек Махмудов «МИЛЛИЙ ТАРИХ» ВА «ТАРИХ ТАЪЛИМИ»ДА «ЖАҲОН ТАРИХИ»НИНГ АҲАМИЯТИ (лотин тилли тарихий манбалар ва замонавий ўзбек илмий адабиётининг қиёсий таҳлили медиевистик талқинда).....	109
16. Sayyora Mirsoatova, Aхrorbek Muxsidinov O‘ZBEKISTONDA MEZOLIT DAVRI YODGORLIKLARINING O‘RGANILISHI HAQIDA.....	122
17. Зухра Ражабова ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ СИЙМОСИННИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	128
18. Мафтуна Рузикулова ФАРҶОНА ВОДИЙСИНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ВА ИРРИГАЦИЯ ИШЛАРИ ТАРИХИДАН (1950 – 1970).....	134
19. Хасанбой Рахматиллаев ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА.....	139
20. Lutfiya Salomova AVSTRALIYA MILLIY ARXIVI FAOLIYATI HAQIDA.....	144
21. Наргиза Сейтимбетова ҚОРАҚАЛПОҶИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ.....	148
22. Shaxnoza Tursunova O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BENILYUKS DAVLATLARI BILAN XALQARO MUNOSABATLARINI RETROSPEKTIV TAHLILINING AYRIM JIHATLARI.....	156
23. Икромжон Умаров КЎҲИТАНГТОҶ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ҲУДУД БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ.....	161
24. Ма’мура Umarxodjayeva, Zilola Shodmonxo`jayeva, Nodira Xasanova O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYINING NOYOB XAZINASIDAN.....	174
25. Санъат Худайбергенов ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	178
26. Ҳабиба Ҳасанова 1917-1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА БОСМАХОНАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	186
27. Ра’но Qodirova 1936-1937 YILLARDA O'ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA TARIX FANINING O‘RGANILISHI (M.Asimov hisobot materiallari asosida).....	192


28. Қосим Қосимов ШАРҚИЙ БУХОРОДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ.....	196
29. Ислом Қаршиев МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁР ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ.....	203
30. Гулжаҳон Шайдуллаева ХАРАППА МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ТОПИЛГАН ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН МОДДИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИДА МАДАНИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ.....	209
31. Fotima Shirinova, Zumrad Kosimova XX ASRNING 20-30-YILLARIDA SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN SIYOSATI, UNING MONIYATI VA OQIBATLARI. SIYOSIY QATAG'ONLIK.....	222
32. Юлдаш Юлдашев ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ 555-ФОНДИНИНГ АРХИВ МАНБАШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	230
33. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ (Дашти қипчоқ мисолида).....	237
34. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ЖУЗЛАРИ (ўтроқ ва кўчманчилар ўзаро алоқларининг негизлари).....	246
35. Лазизахон Алиджанова ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ТИББИЁТГА ОИД ИЖТИМОИЙ ҚОИДАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	256
36. Дилрабо Қурбанова ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СИЁСАТИ.....	264
37. Камола Саипова УРУШ ДАВРИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК КЎРСАТИШИ.....	274
38. Аҳадулла Рахматуллаев ТУРКИСТОНДАГИ МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОС ВА КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	280
39. Азамат Ктайбеков ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (2000-2016).....	288
40. Гулнора Худойберганава “АСКЕТИЗМ” ТУШУНЧАСИ ВА ДИНЛАРДА АСКЕТИК АМАЛИЁТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	293



Зумрад Рахмонкулова,
тарих фанлари номзоди, доцент
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
zumradrahmankulova@gmail.com

МАҲМУД АМИН АФАНДИ “ИСТАНБУЛДАН ЎРТА ОСИЁГА САЁҲАТ”

For citation: Zumrad Rakhmankulova, MAHMUD AMIN AFINDI'S JOURNEY FROM ISTANBUL TO CENTRAL ASIA. Look to the past. 2022, Special issue 3, pp.34-40

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7483028>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Маҳмуд Амин Афандининг “Истанбулдан Ўрта Осиёга саёҳат” асаридagi Хива хонлигига оид маълумотлар таржима қилиб берилган. Асарда Кўхна Урганч, Янги Урганч ва Хива шаҳарлари ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Маҳмуд Амин Афанди, Кўхна Урганч, Янги Урганч, Хива, Истанбулдан Ўрта Осиёга саёҳат

Зумрад Рахманкулова,

кандидат исторических наук, доцент
Национальный университет Узбекистана
имени Мирзо Улугбека
zumradrahmankulova@gmail.com

ПУТЕШЕСТВИЕ МАХМУДА АМИНА АФИНДИ ИЗ СТАМБУЛА В ЦЕНТРАЛЬНУЮ АЗИЮ

АННОТАЦИЯ

В статье приводится перевод информации о Хивинском ханстве из произведения Махмуда Амина Афанди "Путешествие из Стамбула в Центральную Азию". В работе представлена информация о городах Куня Ургенч, Новый Ургенч и Хива.

Ключевые слова: Махмуда Амин Афанди, Куня Ургенч, Новый Ургенч, Хива, Путешествие из Стамбула в Центральную Азию

Zumrad Rakhmankulova,

Candidate of Historical Sciences,
Associate Professor National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek
zumradrahmankulova@gmail.com

MAHMUD AMIN AFINDI'S JOURNEY FROM ISTANBUL TO CENTRAL ASIA

ABSTRACT

The article provides a translation of information about the Khiva Khanate from the work of Mahmud Amin Afandi "Traveling from Istanbul to Central Asia". The paper presents information about the cities of Kunya Urgench, New Urgench and Khiva.

Index Terms: of Mahmud Amin Afandi, Kunya Urgench, New Urgench and Khiva, Traveling from Istanbul to Central Asia

1. Долзарблиги:

Маҳмуд Амин Афандининг “Истанбулдан Ўрта Осиёга саёҳат” асари 1878 йилда Истанбулда нашр қилинган. Маҳмуд Амин Афанди асли келиб чиқиши ўрта осиелик бўлиб, асл ватанига саёҳат қилиш учун ҳижрий 1878 йилда Истанбулдан йўлга чиқади. Қора денгиз орқали келган сайёҳ дастлаб Кавказга сўнгра Ўрта Осиёга келади. Муалиф Хива хонлигига сайёҳатлари давомида қимматли маълумотларни ёзиб қолдиради. Қуйида Маҳмуд Амин Афандининг “Истанбулдан Ўрта Осиёга саёҳат” асаридан Хива хонлигига оид маълумотларни таржима қилиб бердик.

2. Методлар:

Манбалар Ўрта Осиё шаҳарлари тавсифи келтириб ўтилган. Ўрта Осиё хонликлари ва Усманийлар давлати ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар тарихига оид маълумотлар бир қатор мемуар характерга эга асарлар – эсдаликлар, саёҳатномалар, илмий тадқиқотлар орқали бизгача етиб келган. Шулардан бири Меҳмед Амин Афандининг “Истанбулдан Ўрта Осиёга саёҳат” асаридир. Мазкур асарларда муаллифлар Буюк Ипак йўлида катта аҳмиятга эга бўлган Самарқанд, Хива шаҳарлари ҳақида қимматли маълумотларни бериб ўтади.

Муаллиф Хоразмни тарихга гўзаллиги ва бойлиги билан танилган шаҳар деб таърифлайди. Сайёҳ Кўхна Урганчнинг юксак ва машҳур миноралари ва авлиё қабрларини кўриш билан янги кунини бошлаганлиги ёзади. “Кўхна Урганчга келаркан йўлда йўловчилардан бири менга отини берди. Мен 25 кундир йўлда эдим. Менинг аҳволимни кўриб раҳми келди. Бу ҳолатда мен бой ва ҳашаматли Хоразмда Султон Маҳмуд Жалолиддин Хоразмшоҳ даврида юргандай ҳис қилдим”

Меҳмед Амин Афанди Хива гиламларининг дунёнинг ҳар ерида гўзал саънат намунаси сифатида ўзини намоён қилади деб ёзади. XIX асрда Бухоро ва Хивада тайёрланган йўл-йўл олтин ва қумуш нақшли парча, атлас, адрастар ва улардан тайёрланган буюмлар, қоракўл тери, гиламларни Эрон, Туркия, Хитой бозорларида учратиш мумкин эди.

Сайёҳ Кўхна Урганчдаги хонадонларнинг бирида меҳмон бўлади. Бу ҳақида у “бу одамлар шу даражада қўли очиқ одамлар эдики, уларнинг меҳмонларга кўрсатадиган иззат ва икромни дунёнинг ҳеч бир ерида, ҳеч бир халқ кўрсата олмайди деб ёзади. Унинг шарафига қўй сўйилганлигини, энг яхши қовунларни танлаб дастурхонга қўйганлигини, Хивада нафақат қаҳвани, балки унинг номини ҳам билмаслигини, Ҳиндистондан келтирилган чой ичилишини таъкиблаб ўтади. Бу даврда Ҳиндистондан Ўрта Осиёга Палампур кўк чойи, Бомбей ва Калькутта қора чойлари олиб келинган. Хивада бу даврда буғдой, жавдар, кунжут жуда кўп экилган. Халқ асосан кунжут ёғини ишлатган. Ипак қуртининг асосий озукаси бўлган тут дарахти ҳам кўп экилган. Хива тарвузи, совуни шарҳ мамлакатларида жуда машҳур бўлган. Хива тарвузининг биттаси Боғдод бозорларида 700 дирхамга сотилган.

Муаллиф Хива хонлигининг Хивадан кейинги энг катта шаҳри, гавжум шаҳри Урганч эканлигини таъкидлаб ўтади. Оренбург ва Бухородан Урганчга тинмай савдо қарвонлари катнаб турган, шаҳар савдогарларининг Оренбург, Москва каби машҳур шаҳарларда, Эронда, Ҳиндистонда шам савдо шериклари бўлган. Ўрта Осиёнинг Эрон бидан алоқалари Марв ва Машҳад ёки Каспий денгизи бўйлаб ўтадиган Хива-Машҳад йўли билан олиб борилган. Машҳад-Марв йўлининг хавфли бўлганлиги боис ўрта осиелик хожилар Маккага боришда Оренбург-Астрахон-Туркия орқали узоқ, бироқ хавфсиз йўлини афзал кўрганлар. Астрахон

қадимдан Хиванинг ташқи иқтисодий алоқаларида қулай савдо маркази бўлган. Астрахонга чўлдан ўтиб Хивага, у ердан Манғишлоққа келиб, Каспийга қатнайди деган кемада борилар эди [8, Б. 165-166].

Меҳмед Амин Афанди Хивада отларга катта аҳамият берилганлигини, “Китне Тоғас” лақабли баҳоси юз тилла (икки юз эллик лира) – (1873 йилгача катта тилла – 3 рубль 60 тийин, кичик тилла – 1 рубль 80 тийинга тенг) бўлган отни кўрганлигини, отларнинг шу қадар қиммат эканлигини кўриб хайратланганлиги ёзади. Истанбулда бу даврда энг қимматли отлар ўн беш, йигирма лирага сотилган. Хивада қозоқ, ябу оти деб ном олган зотли отлар Истанбул отларига ўхшамаслиги, кичкина бўлса ҳам чидамли, чопқирлиги ҳақида ёзади.

Меҳмед Амин Афанди Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (1865 –1910) билан ҳам учрашади. У Хива хони ҳақида “Узун бўйли, соғлом, гавдали, келишган, виқорли кўринади. Илм соҳибларига кўрсатган ҳурматига қусур йўқ, қўли очик бир подшоҳдир” деб ёзади. Муҳаммад Раҳимхон II ва Меҳмед Амин Афандилар дунёдаги сиёсий вазият, техника соҳасига оид ихтиролар ҳақида суҳбатлашади. Муаллифнинг таъкидлашича, Хивада ўша даврда ўн олтита масжид ва иккита мадраса бўлган [3, Б. 121]. Уйлар ғиштдан Бағдодий услубда қурилган, уйнинг эшиклари ва деворлари нафис уйма нақшлар билан безатилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Меҳмед Амин Афанди асарининг сўнгида Хивадан ташқари Тошкент, Қўқон ва Қашғарга ҳам борганлигини, Афғонистон орқали Ҳиндистонга ўтганлигини сўнгра Истанбулга қайтганлигини ёзади. Муаллиф бу саёҳатлари тафсилотлари ҳақида кейинги китобларида батафсил маълумотлар бериб ўтишини таъкидлайди.

Меҳмед Амин Афанди асарида Хива хонлигининг ташқи савдо алоқалари, савдо-сотик ва ҳунармандчилик масаласига ҳам тўхталиб: “Хоразм хонлиги (Хива хонлиги)нинг Хивадан кейинги энг катта, аҳоли гавжум, савдо-сотик шаҳари бу Янги Урганчдир. Ҳатто, савдо-сотикнинг ривожланиши жиҳатидан Хивадан олдинда туриши ҳам таъкидланади. Оренбург ва Бухоро каби энг олис жойлардан Янги Урганчга тинмай савдо қарвонлари қатнаб туради. Аҳолининг асосий қисми сартлардир. Улар хонликдаги энг бой аҳоли ҳисобланади. Янги Урганчдаги сарт тужжорларининг Оренбург ва Москва каби машҳур шаҳарларда, Эронда Ҳатто Ҳиндистонда ҳам савдо шериклари бор. Ҳар бир тужжор ўзининг махсус калит, тароз ва муҳрларига эга.

Янги Урганчда уйлар жудда катта-катта қилиб қурилган. Ҳар бир уйда дўкон ва омборлар бор. Шунингдек, ҳар бир уйда ўз тегирмонлари бор. Уни от ёки эшак билан вақти-вақти билан юрғазиб туришади.

Янги Урганч кўчалари эгри-бугридир. Шаҳарда 16 та масжид, 2 та катта жоме ва 2 та мадраса жойлашган. Қалъа тўрт бурчак бўлиб унинг атрофида ҳовлилар жойлашган. У қалъанинг ичида эса уч мингдан ортиқ уйлар бор”лиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтади.

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда Меҳмед Амин Афандининг “Истанбулдан Ўрта Осиёга саёҳат” асари XVI – XIX асрлардаги Ўрта Осиё тарихига оид сиёсий, иқтисодий, элчилик алоқалари, географик, этнографик, қарвон ва алоқа йўллари ҳақида қимматли маълумотларни берувчи муҳим манбадир. Қуйида Маҳмуд Амин Афандининг “Истанбулдан Ўрта Осиёга саёҳат” асаридан Хива хонлигига оид маълумотларни таржима қилиб бердик.

ХОРАЗМ ВА КУҲНА УРГАНЧ.

Тарихда гўзалиги ва бойлиги билан танилган Хоразмга ҳам етиб келдик. Эрта тонг Кўҳна Урганчнинг юксак ва машҳур минораларини ва авлиё қабирларини кўриш билан бошланди. Хоразмга келаркан йўлда бирнеча туркманларга дуч келдик. Улар Урганчда ҳар ҳафта бўладиган ва икки кун давом этадиган бозорга келишаётган экан. Улар бизларга салом бериб, йўлни биргаликда давом эттирдик. Мен 25 кундирки йўлда эдим. Буни кўриб раҳми келган туркманларнинг бири менга отини берди. Бу ҳолатда мен бой ва ҳашаматли Хоразмни ва Султон Маҳмуд Жалолиддин Хоразмшоҳ даврида юргандай ҳис қилдим. Чегаралари Ҳиндистондан Анталияга, Кавказдан Сибиргача бўлган бу давлат не қадар қудратли эди. Ҳозир эса харобалар ичида қолган. Хоразмнинг бош шаҳри Кўҳна Урганч қаршимда турар

эди. Оқ қалъада жоме масжид ва мадрасаларнинг деворлари кулаб тушган эди. Шундай бўлсада саройларнинг буюклиги инсонни ҳайратга соларди.

Оқ қалъанинг ичидаги саройлар ва бошқа биноларни кўриб, мозийга қайтаркансиз, томирларда қон жўш уриб кетади. Ҳар куни бу ерлардан дунёнинг тўрт томонига фармонлар тарқатилар ва яна бу ердан солиқлар ҳамда хазиналар билан тўлган карвонлар ўтарди. Ким билган бу юксак биноларнинг эшигидан қанчадан-қанча давлатларнинг элчилари киргандир. Бу ер машҳарга ўхшарди. Бу ерда ғала-ғовур салтанатнинг аломати эди. Ҳозир эса бу ер бойкушларнинг ва ғарибларнинг қулбасига айланган эди.

Бу ерда беш-олти юз дастгоҳлардан тўқилган гиламлар дунёнинг ҳар ерида гўзал санъат намунаси сифатида ўзини намоён қилар эди. Харобалари сақланиб қолган карвонсаройлар, ёввойи кушларнинг овозларини эшитишимиз мумкин бўлган масжид ва мадрасалар етиб келган. Бу ерларда қанча-қанча илм эгалари ҳар куни маданиятнинг ёғдусини орттирарди. Шундай бўлсада, бу бинолар юксак эди. У ерда айтилган азон пастгача зўрға эшитиларди.

Кўхна Урганчда бир ҳовлига меҳмон бўлиб келдик. Уй соҳиби шарафимизга кўй сўйди. Энг яхши қовунларни танлаб олдимизга кўйдилар. Бизга иззат-эҳтиром кўрсатдилар.

Хоразмда нафақат қахвани балки, унинг отини ҳам билмайдилар. Русларнинг кириб келиши билан сигаретни кўрганлар ва бу уларга ёқмаган. Улар Ҳиндистондан келтирилган бир турли чойни кўп ичадилар. Самоварнинг ўрнида бошқа нарсадан фойдаланадилар. Кайф қилдирувчи сифатида чилим чекади. Бир чилим беш-ўн кишига етади. Бир коса билан ҳам беш-ўн киши чой ичади.

Оқ қалъадан ярим соатлар чамаси юргандан сўнг, Кўхна Урганч жойлашган ва бу ерда бозор ҳам қурилган. Меҳмон бўлган уйда бир кеча қолиб, эрталаб мана шу бозорга келдим. Бозор атрофида беш-олти юз хонадан жойлашган эди. Бозорда одам жуда кўп эди. Шаҳарга яқинлашганимизда божгир яъни солиқ йиғувчи ёнимизга келди. Шаҳарга ташқаридан келган савдогар ёки йўловчиларнинг молини бу божгир дафтарига қайд этиб кўярди. Сўнг у девонбеги Русулмат нозирининг ҳузурига юборарди. Молнинг умумий қимматининг қирқдан бири миқдоридан солиқ тўлар эди.

Девонбеги бизни яхши қабул қилди. Қаердан келганимизни билгач, ҳазратларининг боғларидан бирида ташкил қилинган зиёфатга таклиф қилди. Боғ йиғирма дунум эди. Боғнинг тўрт томони ғишт девор билан ўралган эди.

Боғнинг ўртасида кўшк ва ҳовуз бор эди. Ҳовузга бир тарафдан сув куйилар, бошқа тарафидан эса боғнинг турли томонларига оқиб кетар эди.

Ҳовузнинг бир чеккасида сўри кўйилган ва унга чиройли гилам тўшалган эди. Урганч ҳокими мени кутаётган эди. Бу зот Кўхна Урганч атрофидаги туркманлар шаҳарларидан бири ва айни вақтда Хива хонининг “ясавулбошиси” эди, бу биздаги зобитлар нозири лавозимига тўғри келади. У мени шунчалик илиқ кутиб олдики, ҳол аҳвол сўраш биринчи мендан бошлади. Мен ҳаммадан ҳол аҳвол сўраганимдан сўнг мулозимлар “қуллуқ” дея ўринларидан турдилар. Ҳоким мендан ҳол аҳвол сўраши билан мен ҳам “қуллуқ” дея ўринимдан туришим билан мулозимлар яна ўрниларидан турдилар. Ўридан тўриб “қуллуқ” дейиш юксак тарбия ва назокат қондаси эди. Улар Давлати олия Усмонийлар давлатига ҳурмат билан қарарди. Урганч ҳокими Дорулсаодат ҳақида сўради. Мен Дорулсаодат ҳақида гапирар эканман, фақатгина кулоқлари билан эмас, балки кўзлари билан ҳам мени тинглаш учун бутун эътиборини менга қаратганди.

Дастурхонга ҳар икки киши учун бир товоқдан ош келтиришди. Урганчликлар турли хил овқат пиширишни билса ҳам, дастурхонга фақатгина бир хил овқат кўядилар. Улар дастурхонни турли хил овқатлар билан беэмайдилар. Уларнинг энг тансиқ таоми сабили паловдир. Бу таом жуда маззалидир. Овқатдан сўнг ҳовузнинг тўрт бурчагида хонандалар кўшиқ куйладилар. Хивада мусиқани жуда севишар экан. Бу меҳмондорчилик узоқ давом этди.

ЯНГИ УРГАНЧ.

Хоразм хонлигининг Хивадан кейинги энг катта, аҳоли гавжум, савдо-сотик шаҳари бу Янги Урганчдир. Ҳатто савдо-сотикнинг ривожланиши жиҳатидан Хивадан олдинда туриши

хам таъкидланади. Оренбург ва Бухоро каби энг олис жойлардан Янги Урганчга тинмай савдо карвонлари қатнаб туради. Аҳолининг асосий қисми сартлардир. Улар хонликдаги энг бой аҳоли ҳисобланади. Янги Урганчдаги сарт тужжорларининг Оренбург ва Москва каби машхур шаҳарларда, Эронда Ҳатто Ҳиндистонда ҳам савдо шериклари бор. Ҳар бир тужжор ўзининг махсус калит, тароз ва муҳрларига эга. Бу сулолавий тужжорларнинг оиласига тегишли лақаблари бор. Масалан: босмачи, заргар каби.

Янги Урганчда уйлар жудда катта-катта қилиб қурилган. Ҳар бир уйда дўкон ва омборлар бор. Шунингдек, ҳар бир уйда ўз тегирмонлари бор. Уни от ёки эшак билан вақти-вақти билан юрғазиб туришади.

Янги Урганч кўчалари эгри-бугридир. Шаҳарда 16 та масжид, 2 та катта жоме ва 2 та мадраса жойлашган. Қалъа тўрт бурчак бўлиб унинг атрофида ҳовлилар жойлашган. У қаъланинг ичида эса уч мингдан ортиқ уйлар бор.

ХИВА

Хива билан Янги Урганчнинг ораси тўрт фарсахдир (Фарсах – масофа ўлчов бирлигидир. “Фарсанг” сўзи арабчада “фарсах” шаклида ишлатилган. Ҳарбийлар 1 соат давомида отнинг босиб ўтган йўлини 1 фарсах ҳисоблаганлар. 6 минг заррага тенг бўлган 1 фарсах – 6232 метрдир. Араб фарсаҳи 3 минг ёки 12 минг зарра 15762 метрга тенг. Х.Вамбери фарсах ўрнида тош ўлчов бирлигини қўллаган. Янги урганч билан Хива ораси 25 км.дир.). Кечасини Янги Урганчда ўтказиб, эрталаб Хивага йўл олдик. Шоҳобод каналида ёғоч, қамиш ва тупроқ сепиб кўприк қурилган экан. Лекин тошқин натижасида кўприк бузилгани учун сувни бир томонидан кечиб ўтдим. Йўлда Ғозиобод каналидан ҳам ўтдим. Унинг катталиги Шоҳобод каналича бор.

Бу ҳудуд Осиёнинг энг зич жойларидан бири бўлганлиги учун йўллар чўллардаги каби бўм-бўш эмасди. Ҳатто йўловчилар учун ҳар ярим бир соатлик йўлда чой ичиш ва чилим чекиш учун махсус жойлар бор. Ғозобод кўпригининг ёнидаги чойхоналарнинг бирига кирдим. Унинг соҳиби 70 ёшлардаги бир кекса эроний экан. У бир вақтлар Эронда курғоқчилик бўлган вақтда келиб қолганлигини ҳикоя қилиб берди. Бугунги кунларда бу ерларда ҳузур ҳаловат ичида яшамокда. Бу Ўрта Осиё аҳолисининг мардлигига гўзал бир далил эмасми?

Хивада чўнтакни нима эканлигини билмайдилар. Улар нарсаларни қўйниларига қўядилар. Улар тўпикларига тегадиган узун қўйлак ва уни устида “чопон” дейиладиган узун тўн ва унинг устидан ҳам “чекма” деб аталадиган яна бир тўнни қиядилар.

Аёллар нафис матолардан узун тўнлар киядилар. Тўнларнинг орқа томони бошқа матодан тикилади. Бошқалардан узун бир нарса киядилар. Кўчага чиққанларида бошини ёпиб чиқади. Баъзи аёллар бурунларига ҳам ҳалқа тақади.

Хива уйлари ғиштдан Боғдодий услубда қурилган. Улар кўча томондан асло дераза очмайди. Ҳар уйнинг ўртасида “айвон” дейиладиган ҳовлига қараган деразалар очилади. Шиферни билмагани учун уйлари устини тупроқ билан ёпади. Уйни эшиклар ва деворлари ўйма нақшлар билан безатилган.

Хонликка келган ҳар бир тужжор ҳудда қариндошлардек мен билан кучоқлаб қўйиб, ҳол-аҳвол сўрадилар. Урганчлик дўстим Девонбеги билан учрашим кераклигини айтиб улардан узур сўрадим. Йўқса улар билан суҳбатимиз ҳали тугамасди. Тужжорлар билан давом этган икки соатлик суҳбатдан сўнг, Девонбеги билан кўришиш учун йўлга чикдик. Девонбеги шаҳардан ярим соат узокда жойлашган ёзги ҳовлисида экан. Бу ерда бошқа шахзода ва бошқа давлат амалдорларининг ёзги ҳовлилари ҳам жойлашган. Ҳовлилар ғишт деворлар билан ўралган. Деворларда баланд ва қалъалар каби мустаҳкам дарвозалар ўрнатилгани учун узокдан қалъага ўхшар эди. Девонбеги ҳовлисининг дарвозаси олдида у билан учрашгани келган кўпгина одамлар турар эди. Отларимизни боғлаб, келганимизни эшик олдида турган мулозимга маълум қилдик. У бизни ўтиришга таклиф қилиб, ўзи Девонбегига хабар беришга кетди. Бу одатда европача ҳаракатни кўрдим. Мен мулозимлардан Девонбегининг отларини кўрсатишни сўрадим. Улар мени назокат билан отхонага бошладилар. У ерда чамаси қирқларга яқин чиройли отлар бор эди. Уларнинг лақаблари, неча ёшдалигини сўзлаб

бердилар. Хивадаги энг чопкир “Китне тогас” яъни “орқага қайтмас” лақабли, баҳоси 100 тилла бўлган отни менга кўрсатди. Бу 250 лира демак эди.

Истанбулда икки, уч, энг қиммат от ўн беш, йигирма лирага сотилгани ҳақида бу отнинг шу қадар қиматлигини кўриб ҳайрон қолдим. Қозоқ оти деб номланган зотли отлар кичкина бўлса ҳам чидамлидир. Бу отлар бизнинг Истанбул отларига ўхшамайди, улар чидамли, чопкир ва қулайлиги учун савдогарлар асосан шу отларни маъқул кўрадилар. Бадавий деб ном олган отлар энг маъқул отлар эди. Уларни амирлар минадилар. Бадавий отларининг тене, явмут, хива ва туркамон деб номланган зотлари бордир. Отхонадан қайтиб келсам ҳали менга навбат келмаган экан. Мен навбат кутиб турганлардан Девонбегига қандай мурожаат қилиш кераклигини ўргандим. Хива давлат бошқарувини ўрганиш учун бу менга зарур эди. Кўшннинг ёнидаги сўрига қимматли гиламлар тўшалган эди. Девонбеги шу ерда ўтирарди. Сўрининг ёнида ҳовуз бор эди. Кат деган жойдан келган беш-ўн киши қўлларини кўксиларига қўйиб салом бердилар. Бу ерларда фақат катталар саломга алик оладилар. Девонбеги уларни сўрига таклиф қилди. Улардан ҳол-аҳвол сўраганда ҳаммаси ўрнидан туриб, “қуллук” деди. Девонбеги уларнинг келишларини мақсадини сўради. Улар Кат ҳовузи тозаланмагани учун ҳозирги кунда сув танқислигидан қийналаётганини айтдилар. Бу ҳудудларда ҳовузлар каналлар ҳар йили тозаланади. Аҳоли бунинг учун бир неча кун хашарга чиқади. Буларни назорат қилиш учун давлат томонидан бир киши тайинланади. Лекин унга маош берилмас экан. Вазиятдан бир тенге (Хива энг қимматли пул “тилла”дир. У 16 франкка тенг. У юмалоқ ва жуда чиройли қилиб ясалган. Бир томонидан Муҳаммад Раҳимхоннинг номи иккинчи томонида танганинг чиқарилган жойи ва дуо ёзилган. Бир тилла 14 аббосийга бўлингандир. Аббосий бир франк 14 санатим қийматга тенгдир. Аббосий Хива хонлигида ҳам ишлатилган. Бир тилла 18 Хива тангасига тенгдир. Хивада Бухоро тилласи ҳам ишлатилаган. Унинг оғирлиги ва қиймати Хива тилласидан кичикдир. Икки тўлик танга бир Хива аббосийни ташкил этади. XIX аср ўрталари оқ танга – 15, 1873 йиллари – 29, XX аср бошларида – 14-20 рус кумуш тийинига тенг бўлган.

Хива хонлигининг катта пухта тилласи 18 танга, кичик тилласи 9 тангага баробар. 1873 йилгача катта тилла 3 сўм 60 тийин, кичик тилла 1 сўм 80 тийин, бир танга икки тийинга тенг бўлган) (уч кумуш) йиғиб чиқар экан. Улар бу ишларда “мироб” деб аталган “сув нозири”га ёрдам беришини сўради. Девонбеги уларни тинглагандан сўнг мулозимларидан бирини чакириб, “Дарҳол от миниб Кат ҳокимининг олдига бор. Бу одамларга ёрдам берсин ва натижани менга маълум қилсин” – деди. Келганлар Девонбегини дуо қилиб кетдилар. Девонбеги ҳар-ҳар замон чилим чекиб кўярди. Бунга мен ҳайрон бўлдим. Маҳрам ҳар гал чилимини тайёрлаб унинг ёнига келтириб кўярди.

Девонбеги мени қачон қабул қилишини кутиб зерикиб кетдим. Буни аниқлаш учун бир одам кетди-ю қайтмади. Иккинчи бир одам йўлладим. У тез қайтиб келиб, Девонбегининг мени кутаётганини айтди. Девонбегининг ҳузурига келарканман, у ўрнидан туриб йигирма, ўттиз қадам юриб мени қарши олди. Унинг менга кўрсатган илтифотига ҳамма ҳайрон қолди. Албатта бу ҳурмат менга эмас, балки Али Усмон (Усманийлар давлати)га қаратилган эди. Девонбеги мени қариндошдай кучоқлаб, қўлимдан тутди. Ўрнига ўтириб менга жой кўрсатди.

Девонбеги эллик икки ёшдаги, ғоят ақлли, доно бир одам эди. У арабча, форсча ва туркчани биладиган маданиятли, чиғатой тилида шеърлар ёзадиган шоир, мусиқа шайдоси, ва ўткир сиёсатчи эди. Ўттиз беш ёшгача шаърий ва дунёвий билимларни мадрасада ўрганганидан сўнг Россия шаҳарларига саёҳат қилган экан. Сўнгра Хива хонининг котиб лавозимидан босқичма-босқич юқори мансаб поғоналарига кўтарилиб девонбеги лавозимига қўйилган.

Икки соат давом этган мулоқотимиз давомида мендан Истанбулга доир бир қанча маълумотларни билиб олди. Мен бир неча кундан сўнг Қошғарга кетаётганлигимни айтиб хайирлашганда, у Хивада яна уч-беш кун қолишимни сўраб, бир-икки кун ичида Хива хони Муҳаммад Раҳимхон ҳузурига олиб киршига ваъда берди. Мени меҳмондорчиликка таклиф қилди. Сайёҳ учун хоннинг ҳузурда бўлиш қанчалик муҳимлигини таърифлашга ҳожат бўлмаса керак.

Карвонсарайга келганимда бир одам келиб йиғлаб қўлимни ўпди. Бу мен Девонбегиникида навбат кутиб турганимда мени қачон қабул қилишини билиб келиш учун юборган ўша биринчи мулозим эди. Мени яхши тушунмагани ва шунинг учун эътиборсизлик қилгани учун гуноҳидан ўтишимни сўради. Унинг гуноҳини авф этдим. Девонбеги ҳазратларига буни маълум қилиш учун мулозимнинг қўлига бир тўрт энлик хат ёзиб бердим. Мулозим жуда хурсанд бўлиб, раҳмат айтди.

Меннинг ҳам севинчим мулозимникидан кам эмас эди. Зеро Девонбеги менга энг юқори даражадаги иззат-икромни кўрсатган эди. Зотан бандангиз ҳам шу ўлканинг фарзандининг ўғли эди, отасининг бу ердаги обриси учун ҳам уни яхши кутиб олган эди.

Истанбулдан Хивага давом этган сайёҳатим тафсилотлари шу ерда ниҳоясига етди. Тошкент, Қўқон ва Қашғарга ҳам бордим. Афғонистон орқали Ҳиндистонга ҳам ўтдим ва Истанбулга қайдим. Бу ҳудудлар ҳақида қўплаб маълумотлар тўпладим. Бу сайёҳатларим тафсилотлари ҳақида кейинги китобларимда батафсил маълумотлар бериб ўтаман.

Иқтибослар/ Сноски/ References:

1. Mehmet Emin Efendi. Istanbuldan O'rta Asyaya seyahat. – Ankara, 1986. – P.113.
2. Абдуллаев Ф. Маърифат фидойиси// Шарқшунослик. 1999. №9. 185-бет. (Abdullaev F. Devotion of Enlightenment// Oriental studies. 1999. No. 9. Page 185.)
3. Азимжонова С. Сейди Али Раис ва унинг “Миръотул мамолик” асари ҳақида. – Тошкент: Фан, 1963 (Azimjonova S. About Seydi Ali Rais and his work "Mir'atul Mamolik". - Tashkent: Science, 1963).
4. Байкова Н.Б. Из истории караванной торговли между Средней Азией и Северной Индией в XIX в. Взаимоотношение народов Средней Азии и сопредельных стран Востока. Ташкент, 1963. – С. 191. (Baikova N.B. From the history of caravan trade between Central Asia and Northern India in the 19th century. The relationship between the peoples of Central Asia and neighboring countries of the East. Tashkent, 1963. – P. 191.)
5. Валиева Д. XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро ва Хиванинг ташқи иқтисодий алоқарига доир (Архив ҳужжатлари асосида) // Шарқшунослик. 1997. №8. 165-166 б. (5. Valieva D. On the foreign economic relations of Bukhara and Khiva in the first half of the 19th century (based on archive documents) // Oriental Studies. 1997. #8. 165-166 p.)
6. Валиева Д.Среднеазиатско-иранские отношения в первом половине XIX века. Взаимоотношение народов Средней Азии и сопредельных стран Востока. Ташкент, 1963. – С. 51 (Valieva D. Central Asian-Iranian relations in the first half of the 19th century. The relationship between the peoples of Central Asia and neighboring countries of the East. – Tashkent, 1963. – P. 51)
7. Крачковский И.Ю. История арабской литературы. Избранные сочинения. Т. IV. – М., 1957.(Krachkovsky I.Yu. History of Arabic Literature. Selected writings. T. IV. – M., 1957.)
8. Сейди Али Раис. Миръотул мамолик. -Тошкент: Фан. 1963. 97-106-бетлар.(Seydi Ali Rais. Miratul Mamolik. -Tashkent: Science. 1963. pp. 97-106.)

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000